DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-21 Pages: 183-195

Oriental Journal of Philology

SUPPORT SCIENCE

ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



COMPETENCY-BASED APPROACH TO TEACHING ARABIC: THEORETICAL FOUNDATIONS AND PRACTICAL ASPECTS

Madinabonu T. Kadirova
Associate Professor, PhD in Pedagogy
Department of Arabic Language and Literature al-Azhar
International Islamic Academy of Uzbekistan
Email: *madinaqodirova0207@gmail.com*
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: competence, competence, knowledge, qualification, skills, eperience, deontological norm, e-learning.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The article reveals the meaning of the concept of "competence", its origin, various views on its meaning, the stages of the formation of the concept of "competence", the penetration of the word competence into scientific circulation, its theoretical aspects, the stages of the formation of the concept of competence, the competence approach, the position of the modern teacher today, teaching students abstract things in the learning process, objective and subjective factors of teaching Arabic, the interest of teaching Arabic in Western countries, the strategy of teaching Arabic in Western and Arab countries.

АРАБ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР

Мадинабону Т. Кадирова
Доцент в.б., педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
Ўзбекистон халқаро ислом Академияси
Email: madinaqodirova0207@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент,

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: компетенция, компетентлик, билим, малака, кўникма, қобилият, тажриба, деонтологик меъёр, электрон таълим.

Аннотация: Мақолада компетенция тушунчасининг маъноси, келиб чиқиши, унинг маъносига бўлган қарашлар йиғиндиси, компетентлик тушунчасининг босқичлари, компетенция сўзининг илмий муомалага кириб келиши, унинг назарий жиҳатлари, компетентлик тушунчасининг

босқичлари, компетентликга асосланган ёндашув, бугунги кундаги замонавий ўқитувчининг ҳолати, таълим тизимимдаги жараёнда талабаларни абстракт нарсаларга ўргатиш, таълим тизими билан иқтисодни узвий боғлаш тизими, араб тилини ўрганишнинг субъектив ва объектив омиллари, ғарб мамлакатларида Араб тилини ўргатишга қизиқиш, ғарб ва араб мамлакатларида араб тилини ўқитиш стратегиялари ҳақида маълумотлар ёритилган.

КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД В ОБУЧЕНИИ АРАБСКОМУ ЯЗЫКУ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Мадинабону Т. Кадырова
и.о.доцент, доктор философии по педагогическим наукам (PhD)
Кафедра арабского языка и литературы аль-Азхар
Международная исламская академия Узбекистана
Email: madinaqodirova0207@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: компетентность, компетентность, знания, квалификация, навыки, умения, опыт, деонтологическая норма, электронное обучение.

Аннотация: В статье раскрывается значение понятии “компетенция», его происхождение, различные взгляды на его значение, этапы формирования понятии “компетентность”, проникновение слова компетентности в научный оборот, его теоретические аспекты, этапы формирования понятия компетентности, компетентностный подход, положение современного педагога на сегоднящний день, обучение студентов абстрактным вещам в процессе обучения, объективные и субъективные факторы обучения арабскому языку, интерес обучения арабскому языку в западных странах, стратегия преподавания арабского языка в западных и арабских странах.

Кириш

Бугунги куннинг араб тилини ўқитиш жараёнидаги муҳим ва энг долзарб масалалардан бири ўқитувчи компетенция масаласи бўлмоқда. Назарий жиҳатидан, компетенция – бу маълум бир соҳада самарали ишлаш учун зарур бўлган ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган шахснинг турли лаёқатлари ва ҳусусиятларининг йиғиндисидир. Компетенция натижадорликни таъминлайдиган алгоритмнинг инсон имкониятлари орқали

намоён бўлишидир. Компетенция – инсоннинг мутахассис сифатидаги мақсадга йўналтирилган ва унинг имкониятларини тўла намоён этадиган ҳаракатлари, фаолиятидир.

Инсоннинг билиш фаолияти натижаларини тизимлаштириш, унинг тушунча ва ғоялар кўринишида мавжуд бўлган билимлардан фарқли ўларок, компетенция фақат амалда аниқланади. Умуман олганда, компетенция мавжуд билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллашдир, етишмаётган билимларни таъминлаш қобилияти, ўз имкониятларини намоён этиш билан характерланадиган зарур билим, малака, кўникмаларнинг ҳосиласидир. Шунинг учун билимлардан фарқли ўларок, компетенциялар амалий вазифани амалга ошириш имкониятларига тўғри келади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Компетенцияга асосланган шахсни бошқариш ёндашувининг асосчиси сифатида DavidMcClelland (Дэвид Макклелланд) номини қайд этиш зарур. Олим ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларининг психологик аспектларини ўрганган бўлиб, ишлаб чиқаришда мутахассис мотивациясини ишлаб чиқариш жараёни ва мақсадлари билан узвий бирлаштириш назариясининг асосчиси сифатида танилади. Олимнинг фикрига кўра, айнан иқтисодий кескин ривожланиш ва ўсиш кадр компенцияси масаласи зиммасидаги бўлиб, бирор бир иқтисодий ғоя ўз ўзидан эффектив бўлиб қолмайди, балки мана шу ғояни самарали қилувчи кадрлар ва улар компетенцияси мавжуд бўлиши лозим, кадрлар компетенциясини тўғри ва мақсадга мувофиқ шакллантира олган компанияларгина самарадор бўлади. Тарихий жиҳатдан таълим тизимида компетентлик тушунчасининг кириб келиши ва унинг аҳамиятининг қабул қилинишига нисбатан куйидаги босқичлар ажратилади:

Биринчи босқичда (1960-1970 йиллар) – илмий доиралар ва муомалага «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари кириб келди ва уларнинг амал қилиш қоидалари, қўлланилиш хусусиятлари белгиланди. Биринчи бор “компетенция” атамаси 1965 йилда Массачусетс университети ўқитувчиси Н.Хомский томонидан ишлатилади. Бу сўзнинг семантик чегараси бугунги кунда жуда кенг бўлиб, аслида бу сўз “келишув”, “келишувчанлик”, “бирор бир нарсага мос келиш”, “мос бўлиш” маъноларини англатади. Бугунги кунда мазкур сўз кўпроқ “фаолият олиб боришнинг универсал, яъни ҳамма учун мос бўлган умумий хусусиятлари ва талаблари мажмуини” англатади. Мазкур компетенциялар турли мутахассисликлар доирасидаги долзарб, ечилиши зарур вазифаларни бажаришга йўналтирилади. Наум Хомский (инглизчаси), ўзи лингвист олим ва психолог бўлганлиги учун, “Синтактик структуралар” китобида бу истилоҳни тил борасидаги интуитив билим сифатида талқин қилади. Бу интуитивлик индивидга она тилини ўзлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади ва тўғри жумлаларни нотўғри жумлалардан ажратиш имкониятини яратади. Бинобарин, Н.Хомский таснифида

“компетенция” тилга нисбат берилган хусусиятлар мажмуи бўлиб, тилнинг лингвистик моҳиятини англаш учун зарур бўлган индивид хислатлари мажмуини англатади (Kadyrova, 2020, p. 343-345).

Иккинчи босқичда (1970-1990 йиллар) “компетенция” истилоҳининг қўлланилиш доираси кескин ўсади, мазкур сўз махсус истилоҳга айланади ва бирор бир соҳага оид хусусиятлар жамланмасини англата бошлайди, ҳамда тил назарияси, менежмент, коммуникацияларни ташкил қилишда қўлланилади. 1984 йили Ж.Равеннинг (инглизчаси)«Competence in modern society: Its Identification, Development and Release»китоби нашр бўлади. Ж.Равен ўзига илмий вазифа қилиб, замонавий жамият нуқтаи назаридан мутахассислик компетенцияси нимага тенг деган масалани қўяди ва эффективликни таъминловчи компетенциянинг 37 та компонентини ажратиб, кўрсатиб беради ва уларни “мотивацион қобилият” деб таъкидлайди.

Маълумки, 1988 йилда Болония университетнинг 900 йиллиги нишонлаш тадбирларида Европанинг 80та университети ректорлари Magna Charta Universitarum (Университетларнинг буюк Хартияси) хужжатига имзо қўйишди. Бу ҳодиса Европа таълим тизими тарихидаги “Болония жараёни” деб номланган энг йирик лойиҳанинг бошланишини бўлди. Кейинчалик Европада яхлит ва ҳамма учун тенг имкониятлар яратувчи “Болония декларацияси” 19 июнь 1999 йилда имзоланди ва унинг мақсади олий таълимнинг Европа мамлакалариаро ягона ва яхлит маконини яратишдан иборат қилиб белгиланди. Компетенция нуқтаи назаридан эса, Болония жараёни давомида Европа меҳнат бозорларида иш берувчилар томонидан анъанавий “билим” парадигмаси “фаолият”, яъни “компетенция” парадигмаси билан тўлдирилди, бунинг натижасида таълим моделларида кадр тайёрлашнинг мақсади мутахассиснинг квалиметрик талаблари миқёсида“компетенция” тушунчасини энг муҳим хусусиятлардан бири даражасига кўтарди (Sergeev, A. G. 2010, p.

Учинчи босқичда (1990-2001 йиллар) бутун дунё, МҲД да, хусусан Россияда “Болония декларацияси” ижро ва таълим тараққиёти учун қабул қилинди, таълим ислоҳотларининг мақсадларидан бири мутахассиснинг квалиметрик кўрсатгичларининг бош хусусияти қилиб, айнан кабий “компетентлик” масаласи қўйила бошлади. Бу даврда Россиянинг қатор олимлари, хусусан А.К.Маркова, Е.Ф.Зеера, А.В.Хуторский ва бошқалар касбий компетентлик тушунчасини психология ва педагогика нуқтаи назаридан илмий-назарий ва методик жиҳатдан ишлаб чиқдилар.

Натижалар. Бинобарин, “компетенция” сўзининг илмий муомалага кириб келиши, лингвистик ўзига хосликни белгилашдан бошланиб, иқтисодий ва менежмент термига айланиши ва ҳозирда барча педагогик жараёнларнинг бош мақсадларидан бири бўлиб бораётгани бу унинг эволюцион ривожини намоён этади.

Агар Я.А.Коменский педагогикаси давридан бошлаб билим бериш ва кадр тайёрлашдаги мақсад индивидларда билим, малака ва кўникмаларни (БМК) шакллантириш жараёнига қаратилган бўлса, ҳозирда профессонал бўлишликнинг бош моҳияти айнан “компетенция”, “компетентлик” тушунчалари билан алоқадорликда талқин қилинмоқда. БМК – бу таълим мақсади ва маданий-ижтимоий қадриятлардир, компетенция ва компетентлик эса улардан фарқли ўлароқ – бу бозор иқтисодиёти ва касбий фаолиятнинг бирликларидир. К.Ж.Рисқулованинг фикрига кўра, “Компетенция” у ёки бу касб эгасига зарур бўлган касбий қонуниятлар, тамойиллар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар, шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади. Компетентлик эса – шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда, креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳоратидир. Компетентликнинг асосий мезони самарали фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан белгиланади”. Илхамова И.Н. ижтимоий-маданий компетенция халқаро тилшунослик, ижтимоий-лингвистик ва маданиятшунослик компетенцияларини ўз ичига олади, деб ҳисоблайди (Ilhamova, 2019, p. 10).

Назарий жиҳатидан, компетенция – бу маълум бир соҳада самарали ишлаш учун зарур бўлган ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган шахснинг турли лаёқатлари ва хусусиятларининг йиғиндисидир. Компетенция натижадорликни таъминлайдиган алгоритмнинг инсон имкониятлари орқали намоён бўлишидир. Компетенция – инсоннинг мутахассис сифатидаги мақсадга йўналтирилган ва унинг имкониятларини тўла намоён этадиган ҳаракатлари, фаолиятидир. Инсоннинг билиш фаолияти натижаларини тизимлаштириш, унинг тушунча ва ғоялар кўринишида мавжуд бўлган билимлардан фарқли ўлароқ, компетенция фақат амалда аниқланади. Умуман олганда, компетенция мавжуд билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллашдир, етишмаётган билимларни таъминлаш қобилияти, ўз имкониятларини намоён этиш билан характерланадиган зарур билим, малака, кўникмаларнинг ҳосиласидир. Шунинг учун билимлардан фарқли ўлароқ, компетенциялар амалий вазифани амалга ошириш имкониятларига тўғри келади.

Компетентликга асосланган ёндашув давлат, жамият ва инсоннинг ўз манфаати учун ҳаётнинг муҳим соҳаларида муваффақиятли ишлаш учун билим ва амалий фаолият усулларини комплекс ўзлаштиришга қаратилган. Компетентликга асосланган ёндашувнинг мақсади замонавий таълим нуқтаи назаридан келиб чиқган ҳолда, талабанинг назарий билимлари ва уни амалий қўллаш ўртасидаги узилишни енгишга интилишдир. Анъанавий ёндашув нуқтаи назаридан машғулот давомида талабанинг олган билимлари қанча кўп бўлса, талабанинг таълим даражаси шунча юқори бўлади. Аммо замонавий шароитларда бу энди долзарб эмас. Компетентлик ёндашуви нуқтаи назаридан таълим даражаси билимнинг

мавжудлиги билан эмас, балки мавжуд билимлар асосида турли мураккабликдаги муаммоларни ҳал қилиш қобилияти билан белгиланади. Агар анъанавий ёндашувда муаммоларни ҳал қилиш олинган билимларни мустаҳкамлаш босқичи сифатида қаралса, компетентлик ёндашувда таълим фаолиятининг мазмуни сифатида қаралади.

Яъни, компетенция ёндашувини амалга ошириш бўйича педагогик ривожланишнинг объекти - бу амалиётга йўналтирилган билим, малака, кўникма, уларни қўллаш шартлари ва ҳаётда бевосита амалий алоқадорлигидир. Умуман бугунги кундаги замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? Энг аввало, бош масалалардан бири жуда тез тарзда, ўқитувчининг ўзидаги бор билимни жуда тез тарзда ўқитаётган одамга шундай сифатли сингдириш керакки, ўрганаётган одам барча керакли бўлган билимларни аниқ-аниқ билиб олиши зарурдир. Иккинчидан, таълим тизимимдаги жараёнда талабаларни абстракт нарсаларга ўргатиш, айнан ҳаётида керак бўладиган нарсаларга ўргатиш, жамиятга интеграциясини таъмирлаш ва мутахассис сифатида ўша олий таълимни тамомлаб, ҳаётда мақсадли-манзилли тарзда ё корхона ё ташкилотда ўз ўрнини эгаллашига йўналтириш. Демак, таълим тизими билан иқтисодни узвий боғлаш тизими асосида ишлаш керак.

Ўқитувчи компетенцияси бугунги жамиятга араб тили нуқтаи назаридан аниқ соҳага йўналтирилган, юқори даражадаги мутаҳассисларни, таржимонларни бера олади.

“Компетенция” сўзининг илмий муомалага кириб келиши, лингвистик ўзига хосликни белгилашдан бошланиб, иқтисодий ва менежмент термига айланиши ва ҳозирда барча педагогик жараёнларнинг бош мақсадларидан бири бўлиб бораётгани бу унинг эволюцион ривожини намоён этади. Ҳозирги замон фанида “компетенция” ва “компетенлик” тушунчаларининг яхши йўлга қўйилган таърифлари йўқ ва хар бир тадқиқотчи уларни турлича талқин қилади,сабаби термин «competence» (инг.т.дан - қобилият, лот.т.га competens, competentis – қобилиятли, билимдон сўзига юксалиб борди) рус тилига таржима қилганда икки хил тушунча «компетенция» ва «компетентлик»ни англатади. Шунинг учун бу тушунчаларни изоҳлашга бир неча хилини кўришимиз мумкин: 1) бу икки термин синоним сифатида қаралади 2) иккиси икки хил маъноларни англатади.

МДҲ ва айрим хорижий олимлар Т. Ордзҳи, М. Ҳалстед, Н. Хомский, шунингдек, рус мутахассислари Н. В. Баграмова, В. И. Байденко, Г. Е. Белицкая, Л. И. Берестова, Е. В. Бондаревская Н.А. Гришанова, А.А. Деркач, Н.В. Кузьмина, А.К. Маркова, Н.В. Мясищев, А.Ш. Палферова, Л. А. Петровская, А.А. Пинский, В.В.Сериков, А.П. Тряпицына, СЕ. Шишов ва бошқа муаллифлар "компетенция" ва "компетентлик" тушунчаларини синонимик муносабатда деб ҳисоблайдилар. Байденко В.И фикрига кўра ўзига хос турли мавзу соҳаларига тегишли кўникмалари, тегишлиусул ва методларни тушунади (Baydenko, 2005, 81 p.). Т.А.Гочарнинг фикрига кўра, компетенция муайян вазиятда билим ва

кўникмаларни сафарбар этиш орқали фаолиятга жалб этиш қобилияти ёки маълум тайёргарлиги тушунилади.

О.М.Бобиенконинг фикрига кўра, компетенция билим, малака, кўникмалардан ажралиб турса ҳам, уларни инкор этмайди. У билимдан маълумот сифатида эмас, фаолият тури сифатида мавжудлиги, малакадан ҳар хил вазиятларда турли хил муаммоларни хал қилишда қўлланиши, кўникмадан автоматлаштирилмасдан, онгли равишда инсонга нафақат одатдаги вазиятда, балки ностандарт вазиятда фаолият кўрсатиши билан фарқ қилади (Bobienko, 2005, 62 p.).

И.А.Чебаннаянинг фикрига кўра, компетенция фаолият субъектининг потенциал фаолияти, унинг натижалари учун масъулиятни тўлиқ англаган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлик ва хоҳиш.

Таълим жараёни доирасида компетенция, компетентлик тушунчаси улар томонидан “муайян интизомга ўргатиш жараёнида шаклланган билим, кўникма ва малакалар мажмуи, шунингдек, олинган билим, кўникма ва малакалар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш қобилияти». Б. В. Авво, И. А. Зимняя, Д. А. Мешчеряков, А.В.Хуторский ва бошқалар ажрата ўртасидаги тушунчаси “компетенция” ва “компетентлик”. И. А. Зимная томонидан таклиф етилган шарҳга кўра,"компетентлик" - бу талабанинг таълим тарбияси учун олдиндан белгиланган талаб, унинг профессионал ролининг характеристикаси, "компетентлик" - бу талабга мувофиқлик ўлчови, компетенциянинг ривожланиш даражаси, инсоннинг шахсий характеристикаси. А.В. Хуторскийнинг фикрига кўра, компетенция зарур муайян соҳада самарали фаолият бўлиши учун ўқувчининг таълим тайёргарлигига қаратилган бегоналаштирилган, олдиндан белгиланган ижтимоий талабдир (Khutorskoy, 2002, p. 187). Вербицкий А.А.нинг фикрига кўра, муайян фаолиятнинг сифатини таъминловчи инсоннинг Мақсадлар, қадриятлар, мотивлар, шахсий фазилатлар, билимлар, малакалар, кўникмалар, қобилиятлар ва тажрибалар тизимидир. Зеер Э.Ф.нинг фикрига кўра, касбий фаолиятнинг самарали бўлишини таъминловчи ҳаракатнинг умумлашган усулларидир. Терентьева Т.П.нинг фикрига кўра, компетенция – билим, малака ва тажриба қўлланиладиган инсон фаолиятининг доирасидир (Terentyeva, 2014, p. 20).

Ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва инновацион-педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари К.Ж.Рисқулова, У.Толипов, Н.Муслимов, Ф.Юзликаев, Р.Жўраев, О. Мусурмонов, З.Ш.Алимардонов ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган (Urakov, 2018, p. 8).

К.Ж.Рисқулованинг фикрига кўра, “Компетенция” у ёки бу касб эгасига зарур бўлган касбий қонуниятлар, тамойиллар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар, шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади.

Компетентлик эса – шахс амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, компетенция меъёрларини жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда креативлик асосида иш тажрибасида намоён этиш маҳоратидир. Компетентликнинг асосий мезони самарали фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан белгиланади”.

Д.А. Мустафоеванинг фикрига кўра, “Компетенция” у ёки бу касб эгасига зарур бўлган касбий қонуниятлар, тамойиллар, талаблар, қоидалар, бурч, вазифа ҳамда мажбуриятлар, шунингдек, шахсий деонтологик меъёрлар йиғиндисини англатади (Risqulova, 2017, p. 14).

Р.Ш.Ураковнинг фикрига кўра, “компетенция” шахснинг ваколатлари доирасини, олган билимларини амалиётда қўллаш имконияти ва қобилиятларини, “компетентлик” эса унинг хусусиятини ифодалайди. “Компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларининг таҳлилларига асосланиб, биз тадқиқот доирасида қуйидаги таърифларни келтиради: “Компетенция” – бу касбий фаолият соҳасида сифатли ва самарали фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва фаолият усулларини амалиётда юқори даражада қўллаш қобилиятидир (Daminov, 2020, p. 13).

Араб тилини ўқитиш методикаси ва педагогик тамойиллари масалалари араб давлатларида ҳам ўрганилаётган бўлиб, олимлардан Рашиди абдул Ваҳаб (Rashidi, 2005, p. 5), М.Амжад Қосим, В.Расилах (Rasila. 2016, p. 16), Х.Сайфудди, И. Ал-Хаками (al-Hakam, 2019, p. 105) араб тили ўқитувчисининг педагогик фаолияти мезонлари, араб тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш, араб тилини ўқитишда ўқитувчи дунёқараши ва маънавий-ахлоқий мезонлар, ўқитувчи шахсияти ва қизиқишлари, ўқитувчининг педагогик маҳорати масалаларига доир қарашлар билдирилган.

Араб тили дунёдаги энг кенг тарқалган ва кенг тарқалган тиллардан биридир. 422 миллиондан ортиқ kishi гапиради ва унинг сўз сони инглиз тилидаги 12.3 сўзларга нисбатан 600,000 million сўз бўлиб, лотин тилидаги 16,000 лингвистик илдизларига нисбатан 700 лингвистик илдизларга эга. Араб тили катта аҳамиятга эга бўлиб, уни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, дунё тиллари орасида энг юқори ўринни эгаллайди. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг расмий тилларига араб тили қўшилди ва олтмишинчи йилларда олтинчи тилга айланди. ўтган асрнинг, арабларнинг аҳамияти ва уларни мулоқотга жалб қилишнинг аҳамияти. Халқаро ҳамжамият ва бу халқаро алоқалар ва у билан дипломатик ваколатхона эшикларини очиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ва кўплаб хорижий мамлакатларга кейинги ҳужумлар, айниқса, сентябр 11 ҳужумлари бу омилларнинг барчаси араб тилини ўрганишга бўлган талабнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу эса араб тилини араб бўлмаган ўқитувчиларга ва унинг усулларига ўргатиш

усулларини тадқиқ қилишга олиб келди ва тадқиқотчилар бу соҳада араб ўқитувчиларига кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Арабларнинг фикрига кўра, араб тилини стандарт араб тилида ўқита оладиган юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлашсиз хеч нарса таълимда ўзгармайди. Араблар томонидан ўтказилган кузатувлар натижаси араб бўлмаганларга араб тилини ўқитиш билан боғлиқ кўплаб технологик муаммоларни, шунингдек, араб бўлмаганларга араб ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни кўрди. Ўқитувчилар коммуникатив ёндашувга мувофиқ араб тилини ўқитишда компьютер ва планшетлар фойдаланишни ўрганиш зарурлигини кўрсатди, шунингдек араб тилини ўргатишда Internet орқали электрон таълим бирликларини яратиш, веб-саҳифалар таркибида multimedia элементлар синтези, электрон ва технологик тиллар каби интернетдаги мумкин бўлган имкониятлар ресурсларни қўллашни ифодалади.

Араб тили жаҳон тилларидан бири бўлиб, унинг барча маданий, интеллектуал, иқтисодий, сиёсий ва коммуникатив кўринишларида халқаро майдонда аниқ ва равшан мавжуд. Араб тилининг мавжудлиги ва тарқалиши ортиб, бутун дунёда йилдан-йилга уни ўрганиш эҳтиёжи субъективлик ва объективлик кесишган кўплаб омиллар натижасида ортиб бормоқда. Субъектив омиллар орасида кўплаб манфаатдор ва араб бўлмаган зиёлиларнинг илмий ва билимни қондириш учун араб тилини ўрганиш ва араб маданияти ҳақида билиш истаги бор, унинг фикрлари ва унинг турли ва кўп қиррали мероси. Объектив омилларга келсак, улар маданий, сиёсий, интеллектуал ва лингвистик глобаллашувда аниқ бўлиб, тилларни ўрганиш замонавий авлоднинг асосий хусусиятларидан бири ва турли халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва мулоқотнинг турли шаклларини яратиш ва қуришнинг муҳим шартларидан бирига айланди. Саудия электрон университети илмий, амалий ва оддий тарзда араб тилини билмаганларга ўргатиш учун global электрон дастур яратиш учун ҳаракат қилди. Дастур (мустақил ва масофавий) иложи борича видеоларга асосланган таълим вазиятлар, турли ва интенсив ўқув фаолиятини ўргатадиган кўп дарсларга қаратилгандир. Дастурни масофадан бошқариш соҳасида Американинг етакчи компанияси Rosetta Stone ташкил қилади ва бошқаради. Бу дастур орқали араб тилини бир неча йиллар эмас, балки бир йилда ёки ундан камроқ вақт ичида ўзлаштириш мумкин.

Ғарб мамлакатларида Араб тилини ўргатишга қизиқиш Андалусияда Ислом цивилизациясининг гуркираши даврида бошланган, ўшанда Франция бошқа Европа давлатлари гуруҳи билан бирга Араб тили фанларидан дарс бериш учун атоқли ўқитувчиларни тайинлашга ҳаракат қилган эди, унинг фалсафа, физика, математика, мусиқа ва бошқа машҳур санъатлари туфайли Кордоба мактаби каби баъзи мактаблар Ғарб ва

Шарқдан кўплаб ўқувчиларни қабул қилади. Олий ўқув юртлари, институтлар, идоралар, ташкилотлар, ихтисослашган кенгашлар ҳам ташкил этилиб, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар шакллантиради. Қуръон тилига қизиқувчи талабалар, мутахассислар кўпайди. Профессор (Tomas Строуте), барча немис ўқувчилари учун араб тилини ўқитишни биринчи ўқув йилининг ўрта мактабида мажбурий бўлиб қолганини таъкидлайди.

Араб тили Олий таълим ва аҳоли жиҳатидан Францияда бешинчи тил бўлиб, Италиядан кейин ва Хитой тилидан олдиндир. Сўнгги йилларда АҚШда яшовчи арабларнинг тили ва ишларига оид кўплаб мақолалар ва оммавий ахборот воситалари чоп этилгани боис, араб тили ва Ислом цивилизациясига қизиқиш ортиб бораётганига гувоҳ бўлди. Араб тили таълими келажакдаги муваффақияти таълим эҳтиёжларини қондириш учун e-learning стратегиясини қўллаш ётади, муҳим ривожланишни яратиш ва араб маданиятини тарқатиш учун араб университетлари ва тегишли муассасалари қўллаб-қувватлаши ва конструктив раҳбарияти билан боғлиқдир.

Ғарб мамлакатларида араб тилини ўқитиш стратегиялари Араб мамлакатларида араб тилини ўқитиш стратегияларидан фарқ қилади. Шунинг учун бу мамлакатлардан араб жамоаларидан келган болаларга араб тилини ўргатиш учун келган ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот қилиш ва уларга тақдим этилган материалнинг тури ва табиатини билиши ва уни қандай тақдим этиши учун Ғарб жамиятига сингдиришга мажбурдир. У боланинг манфаатларини ва аждодларининг тилини тушунишни ҳурмат қиладиган, севадиган ва хоҳлайдиган махсус стратегияларга муҳтож.

Ўзбекистонда кўпгина араб давлатлардан келган олим ўқитувчилар юртимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида кўп йиллардан буён ишлаб келмоқда. Шу йиллар мобойнида улар араб тилини ўқитиш услублари бўйича турли чет эл журналлари ва республика конференцияларида мунтазам равишда мақолалар чоп этиб келмоқдалар, ҳамда 2019 йил устоз Убайд томонидан ҳозирги замон талабларига мос келадиган “Камил” номли китобни нашр этилди.

2030-йилгача Қиролликнинг кузатувларининг фикрига кўра, кўпгина энг ривожланган мамлакатлар ва таълим тизимлари техник тараққиёт билан бирга юришга харакат қилди ва асосий эътиборни таълим натижалари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини уйғунлаштириш ва келажакда иш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар билан талабаларга тақдим эратишга қаратилди. Мисолларнинг баъзилари инновацион таълим технологиялари қуйидагиларни ўз ичига олади: E-learning ва аралаштирилган ўрганиш, лойиҳа асосидаги ўқув фаолиятини техник ресурслардан фойдаланиб амалга ошириш, ўйинлар ва тренажёрлар асосида ўқитиш, смартфон ва мобил қурилмалар орқали мобил таълим, Internet-лойиҳалар, илмий-

тадқиқот ва илмий-тадқиқот, аудио яратиш, видео ва слайд-шоу, талабаларни жалб қилиш учун ижтимоий ахборот воситаларидан фойдаланиш.

Уммон - араб тили Академияси бугунги кунда биринчи араб тили имтиҳон иловасини ва биринчи араб тили инкубаторини ишга туширди, валиаҳд Шаҳзода жамғармаси билан ҳамкорликда интернетда араб тилини компютерлаштириш учун электрон мавжудлик даражасини ошириш учун катта платформалар яратди. Иордания университети доктори Салаҳ Жаррар араб тилининг тарқалишини, мамлакатлар орасида ўз ўрнини сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлади. Маълумотлар базалари ва компьютер базаларидаги арабча материал ҳали заиф бўлганлиги учун араб тилини компьютерлаштириш заруратга айланганини таъкидлади. Шунингдек, платформаларда ўхшаш платформалар ёрдамида анъанавий таълимдан юқорироқ бўлган араб тилини ўргатиш учун янги услублар устида ишланяпди ва бу услуб ўргатилган тил кўникмаларини баҳолаш ва халқаро эътироф этилган сертификат олиш учун қулай бўлади.

Ушбу дастур талабгорларнинг мақсадларига жавоб берадиган икки соҳада Саудия Арабистони фуқароларидан араб тилини ўрганиш талабига жавобан тақдим этилади: улар ҳаёт учун мулоқот қилиш учун араб тилини ўргатадилар ва махсус мақсадлар учун араб тилини ўргатадилар (дипломатик, тижорат, академик, маданий ва бошқалар). Таълим институти ва ривожланиш ва сифат агентлиги ва бу лойиҳа аъзолари ўқув эҳтиёжларини ўрганиш асосида, шунингдек тажриба алмашиш орттирган ва таълим ва баҳолашда инновацион ёндашувлар билан характерланади. Институт ўқитувчиларни таълим тизимининг муҳим устунларидан бири деб ҳисоблайди. Шунинг учун институт инновация ва тадқиқотлар орқали унга эътибор беришга, ўз истеъдод ва имкониятларини илмий ва илмий- тадқиқот нуқтаи назаридан яхшилашга ва электрон таълим ва масофавий таълимнинг аҳамиятини англашга интилди.

Умм Ал-Қуро университети томонидан турли дастур ва ечимлар орқали қабул қилинган араб тилини ўрганиш ташаббуси араб тилини ўрганиш йўлларини осонлаштиришни мақсад қилган, ташаббус, инновацион ечимлар ва юқори сифатли тил маҳсулотларини она тили бўлмаган шахсларга тарқатишдир. Ўқитувчининг онлайн дастури уч йўналиш ёки иловаларга қаратилади, ва албатта, уларнинг ҳаммасини фойдаланиб ҳолда улардан танланган бўлиши мумкин. Биринчиси: virtual синфлар ва онлайн конференциялар яратиш. Иккинчиси: тушунтиришлар ва дарсликлар, шунингдек, онлайн контентни ишлаб чиқиш ва яратиш воситалари. Учинчиси: онлайн баҳолаш воситалари ва тестлар.

Хулоса. Шундай қилиб, компетенция мавжуд билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллашдир, етишмаётган билимларни таъминлаш қобилияти, ўз имкониятларини намоён этиш билан характерланадиган зарур билим, малака, кўникмаларнинг ҳосиласи бўлиб,

билимлардан фарқли ўларок, компетенциялар амалий вазифани амалга ошириш имкониятларига тўғри келади ва энг яхши натажага эришишга ёрдам берадиган, замон билан ҳамнафас оммиллар йиғиндисидир. Араб тили ўқитувчи компетенцияси таълим тизимида бўлажак мутахассисларда юқори даражали компетенцияларни шакллантиришни беради. Бу келажак мутахассисларни ўзларининг келажакдаги касбий фаолиятларида компетентли мутахассис бўлишлари, яъни унинг асосий хусусиятларидан бири шахсий ва касбий фаолиятда юқори натижаларга эришишга қаратилган компетенциялар йиғиндисига эга бўлиб, касбий муаммоларни мустақил равишда ечиш қобилияти ва тайёргарлигида намоён бўлишидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Baydenko, V. I. (2005). Competence-based approach to the design of state educational standards of higher professional education (methodological and methodical issues). Kompetentnostnyy podkhod k proektirovaniyu gosudarstvennykh obrazovatel'nykh standartov vysshego professional'nogo obrazovaniya (metodologicheskie i metodicheskie voprosy. (Methodological manual,). M.: Research Center for Problems of Quality of Training Specialists. – 81 p. (in Russian)
2. Bobienko, O. M. (2005). Key competencies of personality as an educational outcome of the vocational education system. Klyuchevye kompetentsii lichnosti kak obrazovatel'nyy rezul'tat sistemy professional'nogo obrazovaniya. (Abstract of the dissertation for the degree of Candidate of Pedagogical Sciences, Kazan). (in Russian)
3. Daminov, O.O. (2020). Improving the methodology for the formation of professional competencies in the process of training vocational education teachers. Kasb-hunar ta’limi o‘qituvchilarini tayyorlash jarayonida professional kompetensiyalarni shakllantirish metodikasini takomillashtirish. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD), – Tashkent. (in Uzbek)
4. Ilhamova, I. N. (2019). Improving speaking skills in the context of socio-cultural competence of students in non-philological fields. Nofilologik yo‘nalish talabalari sotsiomadaniy kompetensiyasi doirasida og‘zaki nutq ko‘nikmalarini rivojlantirish (Doctoral dissertation abstract (PhD), –Tashkent. (in Uzbek)
5. Kadyrova, M. T. (2020). The theory of the competence approach and views on its pedagogical content. Kompetensiyaviy yondashuv nazariyasi va uning pedagogik mazmuni haqidagi qarashlar. Young Scientist, 43(333), p. 343-345. Retrieved from https://moluch.ru/archive/333/74450/ (in Uzbek)

6. Khutorskoy, A. V. (2002). Key competencies and educational standards. Klyuchevye kompetentsii i obrazovatel'nye standarty. Internet-journal "Eidos", 187. Retrieved from http://eidos.ru/journal/2002/0423.htm. (in Russian)

7. al-Hakam, I. (2019). "The Professional Competencies Required of a University Professor from the Perspective of His Students and Their Relationship to Some Variables". Al-kafāʾāt al-miḥnīyya al-muṭlabat li-ustādh al-jāmiʿa min raʾy ṭullābihi wa-ʿalāqatihā bi-baʿḍ al-mutaghayyirāt. 105 p. (in Arabic)

8. Rasila. (2016). The Graduate of the Arabic Language Education Department: Khirīj qism taʿlīm al-lugha al-ʿarabiyya: al-kafāʾa. Competence. (in Arabic)

9. Rashidi, A. W. (2005). The Competence of the Arabic Language Teacher for Non-Native Speakers in the Age of Globalization. Kafāʾat muʿallim al-lugha al-ʿarabiyya li-ghayr al-nāṭiqīn bihā fī ʿaṣr al-ʿawlama. (in Arabic)

10. Risqulova, K. D. (2017). The system of forming the sociolinguistic competence of future English teachers. Kelajakdagi ingliz tili o'qituvchilarining sotsiolingvistik kompetensiyasini shakllantirish tizimi. (Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Pedagogical Sciences, – Tashkent. (in Uzbek)

11. Sergeev, A. G. (2010). Competence and competency in education. Monograph, –Vladimir. (in Russian)

12. Terentyeva, T. P. (2014). Formation of professional and pedagogical competence in future teachers of fine arts based on a polyartistic approach. Formirovanie professional'no-pedagogicheskoy kompetentsii budushchikh uchiteley izobrazitel'nogo iskusstva na osnove polykhudozhestvennogo podkhoda. (Dissertation for the degree of Candidate of Pedagogical Sciences,). – Cheboksary. (in Russian)

13. Urakov, R. Sh. (2018). Improving the pedagogical system based on a competence approach to training future teachers in higher education institutions. Oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlashda kompetensiyaviy yondashuv asosida pedagogik tizimni takomillashtirish. (Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD). – Samarkand. (in Uzbek)